

Таҳрир ҳайъати раиси вазифасини вақтинча бажарувчи

Х. Юнусов – б.в.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Ж.Азимов – академик

Б.Норқобилов – *Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси раиси*

Ш.Джаббаров – в.ф.д.

А.Орипов – профессор

Ҳ.Салимов – профессор

Б.Салимов – профессор

А.Даминов – профессор

Р.Давлатов – профессор

Қ.Норбоев – профессор

Б.Нарзиев – в.ф.н., доцент

Б.Элмуродов – в.ф.д.

Н.Йўлдошев – в.ф.д.

Х.Ниёзов – в.ф.д.

Н.Дилмуродов – профессор

Х.Бозоров – в.ф.н., доцент

Ғ.Менглиев – в.ф.н.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Ғайрат Менглиев

Гулсара САЙИТҚУЛОВА

Дизайнер:

Ҳусан САФРАЛИЕВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси,

«AGROZOOVETSERVIS»

масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигида 2018 йил 2 февралда 0284-рақам билан рўйхатга олинган

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Усмон Носир, 22 А/Я: 5628.

Таҳририят манзили: 100022, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 22-уй
Тел.: 99 831-61-33; 93 515-84-80

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 4290.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 24.04.2020.

Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп этилди. 4,25 б.т. Буюртма № .
Баҳоси келишилган нарҳда.© Veterinariya meditsinasi, #04 (149) 2020
“SIFAT XIZMAT MEDIA” МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
100000, Олой кўчаси, 1-уй.**Бугуннинг гапи****О.Отахонова** – Ўзингизни асранг, уйда қолинг 3**А.Алиқулов** – Ҳаммаси ўзимизга, матонату шижоатимизга боғлиқ..... 5**Ж.М.Турсагатов, С.И.Мавланов** – Ветеринария ва чорвачиликда илмий натижалар ва келгусидаги вазифалар..... 7**Юқумли касалликлар****Р.Рўзиқулов, А.Қурбонов** – Қоракўл кўзилари табиий резистентлигининг биокимёвий ва иммунологик асослари 10**А.А.Камбаров и др.** – Изучение терапевтической и профилактической эффективности препаратов “Субтилис”, ПВЭНТИ, “Сультеприм” при аэромонозе рыб 12**Юқумсиз касалликлар****Қ.Н.Норбоев, Ҳ. Бектанова** - Бузоқлар гиповитаминозининг этиологияси 14**Н.Ҳамроқулов ва бошқ.** – Сигирларда яширин сурункали эндометритларни даволаш 16**Паразитар касалликлар****М.Э.Ғойипова** – Фауна распространение и экология нематоды крупного рогатого скота в центральном регионе Узбекистана 18**Жарроҳлик****З.Камолов ва бошқ.** – Спортчи отларда жароҳатларнинг учраш динамикаси 20**Фармакология ва токсикология****А.Ғ.Жабборов ва бошқ.** – Итларда сут беги ўсмаларини даволашда “Циклофосфан” препаратини қўллаш..... 23**Ғ.Ш.Алланазаров, А.А.Холиқов** - Эрмон (Аччиқ шувок)нинг фармакологик хусусиятлари ва ветеринариядаги аҳамияти 25**Тажриба алмашув****Х.Б. Юнусов и др.** – Молочная продуктивность и параметры козьего молока местных коз и коз чешской породы..... 27**З.Ж.Шапулатова ва бошқ.** - ELISA конкурент тест система усулида оксил касаллигига эмланган ҳайвонлар иммун фонини аниқлаш 30**У.Ҳудайбердиева ва бошқ.** – Урғочи капалаклар ҳаёти давомийлигининг улар авлоди биологик кўрсаткичларига таъсири..... 31**Ж.Б.Юлчиев** – Японияда ветеринария таълими 34**Қутлов****С. Эргашева** – Шогирдларига ўрнак ветврач..... 36**Хотира**

Эзгулик элчиси бўлган инсон 36

Acting Chairman of the Editorial Board:

X. Yunusov – doctor of biology

Editorial board:

J. Azimov – academic

B. Norqobilov – State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

Sh. Djabbarov – doctor of veterinary

A. Oripov – professor

X. Salimov – professor

B. Salimov – professor

A. Daminov – professor

R. Davlatov – professor

Q. Norboev – professor

B. Narziev – doctor of veterinary

B. Elmurodov – doctor of veterinary

N. Yuldoshev – doctor of veterinary

X. Niyozov – doctor of veterinary

N. Dilmurodov – professor

X. Bozorov – doctor of veterinary

G. Mengliev – doctor of veterinary

Acting Chief Editor:

Abdunabi ALIKULOV

Editors:

Gayrat MENGLIYEV

Gulsara SAIDKULOVA

Designer:

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

Founders:

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan,
«AGROZOOVETSERVIS» Co., Ltd.

Registered in Uzbekistan Press and News agency by 0284

Address: po/box: 5628, 22, Usmon Nosir,

Tashkent, 100070. Editorial address: 4,

Kushbegi, 22

Tashkent, 100022

Tel.: **99 831-61-33; 93 515-84-80**

Web-site: www.vetjurnal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

circulation: 4290

Index: 1162

Permitted for print: 24.03.2020. Format

60x84 1/8 Printed by Offset printing 4,25

press works Order #414 Free price.

© «Veterinariya meditsinasi», #03 (148) 2020

Printed by “Sifat xizmat media”

Co., Ltd., Tashkent city.

1, Oloy str.

Daily update

O. Otakhanova – Take care of yourself, stay at home3

A. Alikulov – It depends on us, on our persistence and courage5

J.M. Tursagatov, S.I. Mavlanov – Scientific results and future tasks in veterinary medicine and livestock7

Contagious diseases

R. Ruzikulov, A. Kurbanov – Biochemical and immunological basis of natural resistance in karakul lambs10

A.A. Kambarov and others – Study of therapeutic and prophylactic efficacy of drugs “Subtilis”, “PVENTI”, “Sulteprim” in aeromonosis of fish12

Non-contagious diseases

K.N. Norboev, H. Bektanova – Etiology of calf hypovitaminosis14

N. Hamrokulov et al. – Treatment of hidden chronic endometritis in cows16

Parasitology

M.E. Goyipova – Fauna distribution and ecology of nematodes of large horned cattle in the central region of Uzbekistan18

Surgery

Z. Kamolov and others – Dynamics of injuries in sport horses20

Pharmacology and toxicology

A.G. Jabborov and others – The use of the drug “Cyclophosphan” in the treatment of breast tumors in dogs23

G.Sh. Allanazarov, A.A. Khalikov – Pharmacological properties of Ermon (Bitter Wormwood) and its importance in veterinary medicine26

Experience exchange

H.B. Yunusov et al. – Milk productivity and goat milk parameters of local goats and goats of Czech breed27

J. Shapulatova and others – Determination of the immune system background of animals vaccinated against proteinuria by the method of ELISA competitive test system30

U. Khudayberdieva and others – The influence of duration of female butterflies life on the biological parameters of their offspring31

J.B. Yulchiev – Veterinary education in Japan34

Congratulations

S. Ergasheva – The role model veterinarian36

Memory

A man of kindness36

ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ, УЙДА ҚОЛИНГ

Бугун коронавирус туфайли жорий этилган карантин инсон иродаси, меҳру муҳаббати, қонқардошлари, яқинлари, дўстларини ҳамкорларига бўлган муносабати, маънавий дунёқарашини синовдан ўтказмоқда. Аслида бу мажбурий чора давлатга мутлақо керак эмас, турган-битгани харажат, бу сиз учун, сизнинг саломатлигингиз, фарзандлару ширин-шакар набиралар учун жорий этилган. Буни чуқур англаган ҳолда уйда ўтирган, керакли ишини компьютерда бажарган, маданияти билан яқинларига ибрат бўлаётган одамлар бот-бот эътироф этмоқда. Қани айтинг-чи шу пайтгача сизнинг юриш-туришингиз, бирор жойга боришингизни ким чеклади? Аксинча давлат раҳбарининг ўзи одамларни саёҳат қилишга, фаровон яшашга ундадилар-ку, тадбиркорликка, ташаббускорликка руҳлантдилар. Бугун эса яна Президентимиз сизу бизнинг, барчанинг жонига оро кириб, ҳавфсизлигини туну кун ўйлаб, қатъий чоралар кўрмоқда. Бунга монелик қилиш, юмшоқ қилиб айтганда нонқўрлик, юристлар тили билан айтганда жинойатдир. Интернет сайтларини, оммавий ахборот воситаларини кузатиб бораётган бўлсангиз коронавирус билан боғлиқ муаммо бутун дунёни қамраб олганини, баъзи мамлакатларда тиббий никоблар, тиббий ускуналар, касалхоналар етишмаётганини ёзишмоқда. АҚШ, Франция, Россия, Испания, Италия сингари мамлакатлар ҳам бу офат таъсирига тушиб қолган, коронавирусга чалинган кишилар сони икки ярим миллиондан ошиб кетгани, шу хасталик туфайли оламдан кўз юмганлар сони ҳам оз эмаслиги бу хасталик дунёда нечоғлик қийинчиликлар туғдираётганини аниқламоқда. Бизда-чи, бирор бир киши давлат эътиборидан четда қолгани йўқ. Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарлигида яқинлашиб келаётган хавфни ўз вақтида бартараф этишга қатъий киришилди, дунёнинг турли чеккаларида турли сабабларга кўра фаолият олиб бораётган фуқаролар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Барча кучлар карантин талабларини сўзсиз бажаришга қаратилгани давлатимиз ўз аҳолисини оғир синовларда ҳимоя қилишга нечоғлик эътибор бераётганидан далолатдир. Бунинг қадрига, моҳиятига етмоқ керак.

“Уйда ўтиринг, ўзингиз, фарзандларингиз саломатлиги учун уйда ўтиринг, биз сиз учун ишлаяпмиз, сиз билан қалбан биргамиз”. Шу даъват бугун барча ахборот воситалари, интернет каналлари

орқали қайта ва қайта айтилмоқда. Бу ҳам сизу бизни кўзлаб қилинаётган ғамхўрлик намунаси. Жуда қисқа фурсатда коронавирус карантини учун йирик шаҳарларда махсус шифохоналар барпо этилгани, мана шундай синовли кунларда аҳолини ҳар томонлама ҳимоя қилишга жиддий киришилгани ҳам эътиборли жиҳатдир. Барча жойларда озиқ-овқат дўконлари, супермаркетлар ишлаяпти, уларни узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотлари ва керакли воситалари билан таъминлаш давлат назоратида. Коронавирусга қарши дезинфекция ишлари туну кун давом этмоқда. Барчаю барча бу балони тезроқ даф этишга киришган. Боболару момолар коронавирус тезроқ йўқолсин, дея Аллоҳга илтижо қилмоқдалар, шу кезларда бутун элимизнинг нияти шундай. Энг муҳими, ваҳима қилишга ҳожат йўқ, мамлакатимизда аҳолини кундалик озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби борасида мутлақо муаммо бўлмайди. Буни бир пайтлар йирик чорвачилик фермасини ташкил этган ва истеъмол бозоридаги талаб ва таклифни ўрганган ҳолда минг бошдан ортиқ қорамол боқишни бошлаб берган тадбиркор сифатида алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларимни баён этай. Олий Мажлис Қонунчилик Палатасига депутат бўлиб сайланганимдан кейин, тадбиркорлик ишларимни опамга топширдим ва ўзим Қонунчилик палатаси депутати сифатида хизмат сафари билан республикамизнинг турли жойларида бўлдим, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, уни сақлаш ва экспортини ташкил этишга астойдил киришган одамлар билан гурунглашдим. Улар республикамизда кейинги тўрт йил ичида улкан ўзгаришлар рўй берганини алоҳида таъкидлашмоқда. Президент Фармонлари, Қарорлари аграр соҳани сифат ва миқдор жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Ҳукуматимизнинг бевосита кўмаги билан ўтган йил хориждан республикамизга 145 минг бошдан ортиқ қорамол, 217 минг бошдан ортиқ қўй-эчкилар олиб келинди ва натижада 72 та бўрдоқчилик, 80 та сутчилик йўналишидаги фермалар ташкил



этилди. Гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш хажми сезиларли даражада ошди, қайта ишлаш корхоналари сони кўпайди. Қувончли жиҳати шундаки, бугунги синов кунларида республикамызда фаолият олиб бораётган кўпчилик тадбиркорларнинг фаоллиги яққол кўзга ташланмоқда, улар ўз иш унумдорлигини заррача сусайтиргани йўқ. Ўзим эса Шахрихон туманида, чорвадор опам Насиба Отахонова билан биргаликда хайрли ишга қўл урдик, минг бошдан ортиқ зотдор қорамоллар парвариш қилинаётган фермадаги ҳар бир ишчининг моддий манфатдорлигини тўлиқ таъминладик. 56 нафар ишчининг хонадонига зарурий озиқ-овқат маҳсулотларини хўжалигимиз ҳисобидан етказиб бердик. Чунки бугун карантин пайти молбоқару сигирсоғарнинг рўзғор камчилигини ўйламасдан ишлаши, “орқасига қарамас”лиги жуда муҳимдир. “Рўзғоримда камчилик йўқ, фермер барчасини етказиб берган-ку, шундай экан мен ҳам шунга яраша сидқидилдан ишлашим керак”, деса, ҳар бир жониворга меҳрини берса, маҳсулдорлик ошади ҳамда биз аҳолига кўпроқ сут ва гўшт етказиб бера оламиз. Бу ташаббус бугун вилоятимиздаги 12 та чорвачилик фермер хўжаликларида жорий этилган. Шу йўл билан улар оғир кунда элимизнинг ташвишларини камайитиришга, ғайратию ҳалол меҳнати билан давлатимиз раҳбарининг халқчил сиёсатларига камарбаста бўлишга интилишмоқда.

Хонадонда қорамоллар, қўй-эчкилар боқаётган, итлару мушукларни асраётган, чорвачилик фермаларида меҳнат қилаётган кишиларда ҳақли савол туғилади. Коронавирус одамдан одамга юқади, буни кўриб, билиб турибмиз. Хўш бу хасталик одамдан хайвонга, хусусан уй хайвонларига юқадими, чорвачилик билан шуғулланаётган кишилар эҳтиёт

чораси сифатида нималарга эътибор бериши керак? Олимларнинг эътирофи этишчи, коронавирустинг одамдан хайвонга, қорамоллару, қўй-қўзиларга юқиши ҳақида ҳозирча аниқ бир маълумот йўқ. Шунга қарамай бу борадаги илмий изланишлар, дастлабки тадқиқотлар бошлаб юборилган. Эҳтиёт чораси сифатида шахсий гигиенага амал қилиш, фермаларда тиббий ниқоблар билан ишлаш, қўлни тез-тез антисептик воситалар ё оддий кир совун билан ювиш зарур. Буни ёнимизда ишлаётган кишилардан ҳам доимий равишда талаб қилсак зарар қилмайди. Чорвачилик маҳсулотлари, хусусан гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотларнинг сифатини эса Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси тўлиқ ўз назоратига олган. Бозорларда фаолият олиб бораётган ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари, ветеринария инспекторлари чорвачилик маҳсулотлари сифатини доимий равишда текшириб, истеъмолга яроқсиз бўлганларини йўқ қилишмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти ва нарх-навосидаги тартиб-интизом қатъий назоратга олингани, юклар ҳаракатига чеклов йўқлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари импортидаги тезкорлик, буларнинг барчаси ҳукуматимиз томонидан карантин даврида сизу бизнинг манфаатларимиз нечоғлик ҳимоя қилинганини кўрсатмайдими?.. Бизга фақат битта талаб қўйилмоқда. Уйда, оилангиз даврасида бўлинг, эҳтиёж бўлмаса кўчага чиқмай туринг. Нахотки, биз шу оддий талабга амал қила олмаймиз?

Бугун карантин қоидаларини турли-туман тарзда бузаётган, ўз саломатлигига эътиборсиз бўлаётган одамларга яна бир қарра депутат сифатида, бир аёл, она сифатида мурожаат қилмоқчиман. Кўчага чиқишдан аввал мурғак гўдакни, юрагингизга яқин кишининг кўзларига бир назар ташланг, уни эртага, индинга соғ-саломат кўришингиз учун бугун ҳовлидан, йўлакдан узоққа кетишни чеклашингиз шартлигини, кучли эҳтиёж бўлмаса уйдан чиқмаслик лозимлигини яна бир қарра ёдга олинг. Мабодо кўчага чиқиш лозим бўлса, гигиена талабларига қатъий амал қилинг. Карантин даврида сабр қилинг, Аллоҳ насиб этса, бу кунлар ҳам ўтади, кетади. Ақлу заковатингизни, меҳру муҳаббатингизни уйдаги яқинларингизга қаратинг. Ҳар биримизнинг соғу саломат бўлишимиз, жамиятимизнинг корона-вирус балосидан тезроқ ҳалос бўлиши сизу бизга боғлиқ эканлигини унутманг.



Одинахон Отахонова,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик Палатаси депутати

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА, МАТОНАТУ ШИЖОАТИМИЗГА БОҒЛИҚ

Бугун коронавирус пандемияси туфайли ўрнатилган карантин талабларига кўра, қадим Хоразмда жуда кўпчилик корхоналар, кийим-кечак бозорлари, қурилиш дўконлари ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган, ҳаракатланиш чекланган бўлса-да, кишлоқ хўжалиги ходимлари, чорвадору соҳибкорлар ҳар фурсатнинг қадрига етган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Чунки нон ҳамиша керак, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларисиз ҳаётимизни тасаввурга сиғдириб бўлмайди. Шу боис шахсий гигиена талабларини унутмаган механизатору сувчилар, боғбону миришкорлар тонг отмасданок далада, пайкалнинг бошида. Пайкалларга чел олиб, ернинг икки- уч қарра шўрини ювиб, сўнг деҳқончилик қиладиган Хоразмда экин экиб, уруғ кўкартириб нон топиш осон эмас, аммо минг йилдирки, шундай, одамлар машаққатлари кийинчиликларга ўрганиб кетишган, катта пайкаллар қатори кичик бир томорқада бўлсин экин унмаса, хоразмликнинг уйкуси келмайди. Чорвадору ветеринария ходимларининг бедорлиги эса таҳсинга лойиқ. Чунки уларнинг хизмати карантин кунлари аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда жуда керак-да. Карантин талабига кўра, озиқ-овқат дўконлари, супермаркетлар узлуксиз ишламоқда. Савдони чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳар қачонгидан-да муҳим. Чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминлаш масаласи ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари жамоасига катта масъулият юкламоқда. Шунга кўра, Хоразмга сим қоқдик, вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Йўлдош оға Юсупов билан суҳбатлашдик. У бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.



- Аввало барчангизга муқаддас рўзаю Рамазон кунлари сабру қаноат, хотиржамлик тилайман, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин. Яратганининг марҳамати ила заҳматқаш халқимизнинг дуолари ижобат бўлиб юртимиздан коронавирус балоси тезроқ йўқолсин, - дейди Йўлдош оға. - Ҳар куни интернет сайтларини, телевизорни кузатиб бораяпмиз. Муҳтарам Президентимизнинг коронавирус пандемияси муносабати билан қилган мурожаатларини диққат билан тингладик, бу бизга катта руҳ ва куч берди. Одамлар эл бошига ташвиш тушганда давлат нечоғлик қатъий чоралар кўраётганини юракдан ҳис этмоқда. Негаки, озиқ-овқат маҳсулотлари борасида муаммо сезилмагани, барча ишлар карантин талабига кўра, эл манфаатини кўзлаб қилинаётгани катталар қатори ёшларга ҳам маъқул келмоқда. Карантин талабини бузгани одамларнинг ўзлари ҳам қораламоқда. Чунки бу касаллик жуда юқумли, одам ўзини эҳтиёт қилмаса, яққалаб уйда ўтирмаса, тез тарқалиб кетиши тайин. Интернетда, телевидение ва радиода, матбуотда кўриб, билиб турган бўлсангиз керак, бу бало Америкадек, Европадек қудратли мамлакатлар раҳбарларини ҳам шошириб қўймоқда. Дунё бўйича касалланган кишилар икки миллиондан ошгани, ўлим ҳолати кўпайиб бораётгани муаммо нечоғлик улкан эканлигини кўрсатиб турибди. Биргина Нью-Йорк шаҳрида ўн минглаб одамлар шу касаллик қурбонига айланди. Испания, Италия давлатларида ҳатто касалланган кишилар шифо-



хоналарда жой йўқлиги, шифокорлар етишмаслиги туфайли тақдир ҳукмига ташлаб қўйилди. Буни айтишнинг ўзи оғир. Бизда-чи?.. Президентимиз томонидан ўз вақтида қатъий чоралар кўрилганини такрор ва такрор айтиб ўтишимиз керак. Фақат бугун биз карантин тартибини бузмасак, уйда ўтириб, касалликни тарқаб кетишига йўл қўймасак, тез орада балодан батамом кутиламиз. Демак ҳаммаси яна ўзимизга, иродаимизга боғлиқ. Офат албатта тез орада даф бўлади. Бунга заррача шубҳа йўқ.

Айни шу кунларда биз Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишларида кўтарилган барча вазифаларни, кўмитамиз раисининг буйруғига мувофиқ ўзимиз учун иш дастури сифатида белгилаб олганмиз. Шунингдек одамлар ҳаётига хавф солаётган “Коронавирус” касаллигининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат кўмитаси раисининг 2020 йил 3 февралдаги 14 и/ч-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сонли фармойиши ижросини таъминлаш тўғрисида”ги буйруғи, вилоят ҳокимининг 2020 йил 15 февралдаги 4-11 ХДФУ-сонли “Янги турдаги коронавирус инфекциясининг вилоят ҳудудига кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан вилоят махсус комиссияси йиғилиши

баёни” топшириқларини бажариш бўйича барча туман (шаҳар)лар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари ҳамда вилоят ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказига бажарилиши мажбурий бўлган топшириқ ва кўрсатмаларни бердик. Мавжуд ҳолат бўйича қаттиқ назорат ўрнатилган ва биз кўмитамиз раҳбарлигида ходимларимизга юздан резина қўлқоп ва махсус никоблар берган ҳолда коронавирус инфекциясини бартараф этиш ишларида тегишли идораларга яқиндан кўмаклашаяпмиз.

Ўтган қисқа давр ичида шахсий гигиенага қатъий амал қилган мутахассисларимиз маҳалла фаоллари билан биргаликда вилоят бўйича жами 46 мингдан ортиқ хонадонларда бўлишиб, чорванинг ҳолатини яна бир карра кўздан кечиришди. Шу тариқа эмлаш ҳамда сунъий уруғлантириш ишлари бажарилди, коронавирусдан сақланиш, турли хавфли касалликларга чалинмаслик учун нималарга эътибор бериш лозимлиги акс эттирилган 7700 та варақа, 7500 та буклет ва бир ярим мингдан ортиқ плакатлар аҳолига тарқатилди. Барча ветеринария муассасаларида, лабораторияларда ҳамда чегара ветеринария назорат пунктларида дезинфекцияловчи воситалар захираси яратилди. Айни пайтда Коронавирус касаллигининг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида, чорвачилик йўналишидаги барча фермер хўжаликларида, аҳоли қармоғидаги ҳайвон ва паррандалар сақланадиган биноларда, чорвани яйратиш майдончаларида, дехқон ва мол бозорларида, чорвачилик маҳсулотлари сотиладиган озиқ-овқат ва бошқа дўконларда дезинфекция ишлари узлуксиз олиб борилмоқда. Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтишим керак. Мана шундай ташвишли кунларда мамлакатимиз Президенти, парламентимиз томонидан Хоразм элига кўрсатилган чексиз ҳурмат яъни янги бир туман - Тупроққалъа тумани ташкил этилгани учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз. Бу фақат бизнинг фикримиз эмас, янги ташкил этилган тумандаги чорвадору ветврачларнинг қувончи. Энди бу ҳудуд янада ривож топади, ўз ғазнасига, барча муаммоларини жойида ҳал этадиган етакчиларию депутатларига, билимдон кишиларига эга бўлади. Насиб этса, биз ҳам янги тумандаги ветеринария ва чорвачиликни янада ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшамиз. Яна такрор айтмоқчиманки, бугунги синовли кунларда бу хушxabар барчамизни беҳад мамнун этди ва янада фаоллик билан ишлашга ундамоқда.

Абдунаби Алиқулов *ёзиб олди.*



ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКДА ИЛМИЙ НАТИЖАЛАР ВА КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан халқ хўжалигининг барча тармоқларини, жумладан ветеринария ва чорвачилик соҳаларини илмий асосда ривожлантириш, яратилган янги инновацион илмий ишланмаларни амалиётга кенг жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, мухтарам Президентимизнинг 2019 йил 28 мартдаги 5696-сонли Фармони ва 4254-сонли қарорига асосан чорвачиликда наслчилик-селекция ишларини юритишнинг илмий асосланган инновацион усулларини ишлаб чиқиш, чорва ҳайвонлари орасида эпизоотик барқарорликни ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борадиган Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институти Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфига ўтказилди.

Мазкур илмий-тадқиқот муассасалари томонидан айни чоғда ветеринария соҳаси ва чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан қорамолчилик, қўйчилик, қорақўлчилик, эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва куёнчилик тармоқларини илмий асосда ривожлантириш, соҳада селекция-наслчилик ишларини олиб бориш, чорва моллари ва паррандаларнинг юқори маҳсулдор зот ва дурагайларини, озуқа экинларининг юқори ҳосилдор навларини яратиш, мамлакатимиз ҳудудини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, ҳайвонлар касалликлари профилактикасини ва уларни даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, маҳаллий ва хорижий илғор фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи юқори сифатли ветеринария препаратлари ва диагностикаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқиш борасида кенг камровли илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Илмий кадрлар тайёрлаш

Кейинги икки йил давомида илмий-тадқиқот институтларида ветеринария ва чорвачилик соҳасида 10 нафар фан докторлари (DcS) ва 15 нафардан ортик фан номзодлари (PhD) тайёрланди.

Жумладан, ветеринария йўналишида 6 нафар, чорвачилик йўналишида 2 нафар, қорақўлчилик йўналишида 2 нафар фан докторлари тайёрланган бўлса, шу давр мобайнида 8 нафар чорвачилик ва қорақўлчилик,

5 нафар ветеринария ҳамда 2 нафар балиқчилик ва асаларичилик йўналишларида фалсафа фанлари докторлари тайёрланди. Бугунги кунда, соҳада 5 та докторлик ва 10 дан ортик фалсафа доктори диссертациялари илмий семинарларда муҳокамадан ўтмоқда.

Тизимдаги илмий-тадқиқот муассасаларида 30 нафарга яқин ёш изланувчилар докторантура ва таянч докторантуранинг кундузги бўлимларида таҳсил олишга бўлса, 25 нафардан ортик мустақил илмий изланувчилар докторлик ва номзодлик диссертациялари устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Кейинги йилларда соҳада олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги муҳим натижаларга эришилди. Жумладан ветеринария йўналишида лаборатория шароитида қўй эмбриони буйрагидан бир қаватли бирламчи трипсинланган хужайра культурасини олиш ва ўстириш усули ҳамда ВНК-21 чексиз чирмашиб ўсувчи хужайралар культурасига қутуриш фикс вирусини мослаштириш ва суспензион культурада қўпайтириш усуллари ўзлаштирилди. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг қутуриш касаллигининг вирус штаммларидан референс ва вакцина штаммлари олишга эришилди.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг колибактериоз, сальмонеллез ва пастереллез касалликларига қарши ГОА формол вакцинани тажриба серияси яратилди ва тадқиқотларда унинг зарарсиз ва стерил эканлиги қайд қилиниб, вакцинанинг 12 ойлик иммунфаоллиги 98,0 фоиз эканлиги аниқланди. Юқумли касалликларнинг 4 та пастерелла, 3 та салмонелла ва 3 та эшерихия коли штаммлари ажратилиб олинди. АҚШ технологияси асосида аллергодиагностикумлар ва АР, КБР ва КУБР реакциялари учун ягона бруцеллез антигенини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бруцеллезга қарши Br.abortus 104 M UZ штаммидан тирик вакцина тайёрлаш ва назорат қилиш Йўриқномаси лойиҳаси ҳамда 2 та бруцеллез диагностикаларининг илмий техник ҳужжатларининг (ИТХ) лойиҳалари ишлаб чиқилди. Маҳаллий штамлар асосида яратилган қорамолларнинг тейлериоз касаллигига қарши вакцинанинг реактогенлик ва иммуногенлик хусусиятлари аниқланди. Қорамолларнинг қон-паразитар касаллигига қарши “Поликарб” препаратини молнинг ҳар 100 кг тирик вазнига 5 мл дан қўлланилганда безарарлиги ва молни тирик вазнига таъсир этмаслиги аниқланди. “Поликарб” препарати Қашқадарё ва Самарқанд вилоятининг бир нечта хўжаликларида жорий этилди. Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича 10 турдаги ветеринария препа-

ратлари ишлаб чиқарилиб, республикамиз чорвачилик хўжаликларига шартнома асосида етказиб берилмоқда.

Чорвачилик йўналишида олиб борилган илмий-тадқиқотлар ишлари натижасида қорамолларнинг швиц зоти бўйича 2 та янги линия, 1 та янги оила ва 1 та янги “Навбахор” типни яратилди ҳамда уларга патент олинди.

Кизил чўл зотли сермахсул сигирларнинг юқори маҳсулдорлик (4812-7452 кг) ва ёғлилик даражасига (4,2-4,8%) эга 10 та янги оиласига асос солинди.

Республикада илк бор айғирлардан уруғ олиш ва бияларни сунъий уруғлантириш йўлга қўйилди.

Иссиқ иқлим шароитида заанен зотли такалардан фойдаланиб, маҳаллий эчкиларнинг юқори маҳсулдор, сутдор гуруҳлари яратилди;

Ўзбекистон шароитида асалариларнинг маҳаллий популяциясини юқори маҳсулдор карпат зотли асаларилар билан чапиштирилиб, юқори маҳсулдор дурагайлари олинди. Илк бор сунъий усулда она асалари етиштириш технологияси ишлаб чиқилди.

Озуқабоп маккажўхорининг “Ўзбекистон-2018”, жавдарнинг “Шалола” навлари яратилиб, давлат реестрига киритилди ва районлаштирилди. Кузги оралик экинларни аралашма (қашқарбеданинг “Қибрай” нави, сули, жавдар, тритикале) ҳолда экиш технологияси ишлаб чиқилди;

Кореянинг КОПИА халқаро маркази ҳамкорлигида республикамиз худудларида жами 390 та аҳоли хонадонларига 1170 бош ёш қорамоллар берилиб, уларда озуқа сарфини 30 фоизгача иқтисод қилувчи ҳамда озуқа ҳазм бўлишини 20 фоизгача оширадиган Корея тажрибаси асосида парваришlash ва гўшт етиштириш технологияси жорий этилди. Оралик экинлар ва ҳашаки лавлагида бирламчи уруғчилик ишлари олиб борилиб, жами 40 тоннадан кўпроқ элита уруғлар етиштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 637-сон қарори билан Чорвачилик ва паррандачилик ИТИ қошида “Қуёнчилик селекцияси ва генетика маркази” ташкил этилди.

Қорақўлчилик ва яйловлардан фойдаланиш борасида қорақўл қўйларининг 8 та юқори маҳсулдор завод типлари яратилди, “Қорақўл қўйлари учун доривор озуқавий қўшимча” ва “Қумли чўл шароитида юқори маҳсулдор яйловлар барпо этиш усули” ишлаб чиқилди ва уларга патент олинди.

Чўл яйловларининг тупроқ-иқлим шароитларига мослашган, табиий яйловлар ҳосилдорлигини 4-5 маротаба ошириш имконини берадиган чўл озуқабоп ўсимликларидан изеннинг “Малика”, атриплекснинг “Ягона”, эркак ўтнинг “Ишонч” навлари яратилди.

Селекция ишлари учун республиканинг табиий яйловларида ўсувчи дуккакдошлар, бошоқдошлар пахтадошлар, лабгулдошлар, ковардошлар, соябон-

гулдошлар, мураккабгулдошлар, даладойдошлар ва шўрадошлар оиласига мансуб истиқболли озуқабоп ўсимлик турлари уруғлари йиғилди.

“Чўл озуқабоп ўсимликларининг хромосомаларини бўйлаш усули”, “Чўл ўсимликлари қаттиқ уруғларига экишдан олдин ишлов бериш усули” ва “Ковул уруғларининг унувчанлигини ошириш усули” ишлаб чиқилиб патентлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ўтказилган “Энг яхши интеллектуал мулк объекти BEST IP-2018” номли танловларда қорақўлчилик йўналишидаги олимларимиз томонидан яратилган илмий ишланмалар фахрли 1-ва 2-ўринларни эгаллади ва тегишлича тақдирланди.

Институт тажриба далаларидан 5,2 тн чўл озуқабоп ўсимликлари (саксовул, чоғон, изен, терескен, қуйровук, шувок, олабута) уруғлари йиғиб олинди, Нуробод ва Нурога туманларида 100 гектардан ҳамда Тахтакўпир туманида 200 гектар яйловларда чўл озуқабоп ўсимликларининг бирламчи уруғчилик майдонлари ташкил этилмоқда.

Балиқчилик йўналишида республикада биринчи марта маҳаллий хом ашёдан фойдаланилган ҳолда ёпиқ айланма сув тизимида (**ЁАСТ**) янги турдаги ва маҳаллий тур балиқларни етиштиришга қаратилган технология ишлаб чиқилди. Янги замонавий русумдаги жиҳозлар билан жиҳозланган “Аквакультурада янги технологиялар лабораторияси” ташкил этилди. Ушбу лабораторияга хориждан 150 дона тилчипия балиқлари келтирилиб, уларни маҳаллий шароитга иқлимлаштириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Сув ҳавзаларида балиқлар паразитофаунасига одам фаолиятини таъсири ўрганилиб, балиқларда паразитлик қилувчи гельминтлар (*Dioctophime renale* нематодаси) одамнинг ичагида паразитлик қилиши аниқланди. Тадқиқотлар натижасида илк бор қимматбаҳо балиқ тури ҳисобланган Осетр (*Acipenser baeri*) балиқларидан маҳаллий шароитда сунъий урчиштириш орқали уруғлик олинди.

Балиқларни озуқаси ва озиклантириш йўналишида маҳаллий карп балиқларини интенсив ва ярим интенсив усулда озиклантириш, маҳаллий ингредиентлардан фойдаланган ҳолда балиқ озуқалари рецепти ишлаб чиқилиб, ушбу ем асосида Андижон вилоятида Хитой қурилмасида интенсив усулда маҳаллий карп балиқларини етиштириш йўлга қўйилди. Тадқиқотлар натижасида тупроқли ҳавзаларни кислород билан бойитувчи мобил аэратор мосламаси яратилди ва институт сув ҳавзаларида синовдан ўтказилиб, муаллифлик гувоҳномаси олинди. Жорий йилнинг I чораги давомида 43 тонна насли балиқ уруғлик маҳсулотлари балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига етказиб берилди.

Келгусида ёш кадрларни илм-фанга қизиқтириш ва кўникмасини шакллантириш мақсадида илмий-тадқиқот институтлари турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда бакалаврият таълим йўналишининг 3 ва 4-курсларида тахсил олаётган иқтидорли талабаларни ва магистрларни ўқишдан ажралмаган ҳолда илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш ҳамда уларнинг битирув малакавий ва диплом ишларини илмий-тадқиқот институтларидаги лабораториялар ва тажриба хўжаликларида олиб боришини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Ветеринария йўналишида долзарб саналган биотехнология, ген инженерияси, ветеринария иммунологияси, хужайра культураси йўналишларида ҳамда касалликларга ташхис қўйишнинг замонавий тезкор усулларини яратиш борасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда халқаро грант лойиҳалари устида изланишлар олиб бориш ва эришилган илмий натижаларни ветеринария ва чорвачилик амалиётига кенг жорий этиш белгиланган.

Хужайра культураси, ген инженерияси, иммунология, биотехнология йўналишларида илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш учун иқтидорли ёш олим ва изланувчиларни дунёнинг етакчи давлатларига (АҚШ, Россия, Германия, Англия) малака оширишга юборилади.

Институтларда илмий ходимлар таркибини ёшартириш ва илмий салоҳиятни ошириш мақсадида (олий ўқув юртлари билан фан-таълим интеграция тизимини шакллантирган ҳолда иқтидорли талабаларни танлаб олиш, уларни ўз соҳаси бўйича тажрибали олимларга бириктириш, “Устоз-шогирд” мактабини шакллантириш) бакалавр ва магистрларни ўқиш давомидаёқ илмий лойиҳаларга ижрочи сифатида жалб этилади.

Институтларда яратилган илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш мақсадида, институтлар ва ҳудудлардаги чорвачилик субъектларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида етук ва тажрибали олимларни ҳудудларга бириктириш орқали ҳудудларда соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳамда ўтказиладиган турли зооветеринария тадбирлари (эпизоотик тадбирлар, қўйларни оталантириш ва қўзилатиш кампаниялари, семинарлар ва бош.)да фаол қатнашиб, чорвачиликни ривожлантириш борасида ўз таклиф ва тавсияларини бериб бориши йўлга қўйилади.

Чорвачилик йўналишида, эмбрионларни трансплантация қилиш, қўй, эчки ва отларда сунъий уруғлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш ва иммуногенетик тадқиқотлар олиб борадиган биотехнология марказини ташкил этиш, қорамолларнинг гўшт йўналишидаги мармарсимон гўшт берадиган янги зотларини яратиш, маҳаллий шароитга мослашган сут маҳсулдорлиги юқори бўлган янги қорамол зотларини яратиш белгиланган.

Республикада жундор қўйлар ва сут йўналишидаги маҳаллий эчкилар устида селекция-наслчилик ишларини олиб бориш ва чатиштириш орқали уларни маҳсулдор типларини яратиш, куркачилик, ғозчилик, ўрдакчилик ва беданачилик соҳаларини илмий асосда ривожлантиришнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш, куёнларнинг юқори маҳсулдор янги зот ва дурагайларни яратиш, озуқабоп экинларнинг шўрланиш ва курғоқчиликка чидамли янги нав ва дурагайларини яратиш белгиланган.

Қорақўлчилик ва яйловлардан самарали фойдаланиш мақсадида Нуробод туманида **10,0 га**, Нурота туманидаги “Нурота” тажриба уруғчилик участкасида **20,0 га** ва Қамаш туманида **200 га** майдонда чўл озуқабоп ўсимликларининг бирламчи уруғчилик майдонлари барпо этиш, Афғонистондан келтирилган насли кўчқорлардан самарали фойдаланишни жорий этиш борасида отарлар кесимида қўйларнинг завод типлари, рангбаранглиги, конституция типи бўйича соф зотли урчитиш қонуниятлари асосида кўчқорларни ва қўйларни уруғлантиришга тайёрлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, Қизилқум чўли шароитида шўрланган сув манбаларидан суғоришга мослашган юқори ҳосилли озуқабоп ўсимлик навларини танлаш, яратилган қорақўл қўйларининг янги завод типларини қорақўлчилик хўжаликларига ҳамда яратилган чўл озуқабоп ўсимликларнинг янги серҳосил навларини яйловлар ҳосилдорлигини ошириш учун ҳудудларда жорий этиш белгиланган. Шу мақсадда қорақўлчилик фермер хўжаликлари ва МЧЖ мутахассисларига “Қорақўл қўзиларини баҳолаш ва бонитировка қилиш” ҳамда “Қорақўл қўйларини сунъий уруғлантириш” мавзусида ўқув-семинар тренинглари мунтазам ўтказилади.

Балиқчилик бўйича сув ҳавзаларида интенсив усулда балиқ етиштириш, ёпиқ айланма сув таъминоти қурилмасида балиқларини урчитиш ва етиштириш технологиясини яратиш, чавоқлар учун табиий озуқа базаси ҳисобланган дафнияларни аквариумларда кўпайтириш технологиясини яратиш, янги истиқболли аквакультура объектларини маҳаллий иқлим шароитларида ўзлаштириш, сунъий уруғ (икра) олиш, урчитиш, увилдирик ва чавоқ ўстириш, она балиқлар тўдасини шакллантириш, товар балиқлар етиштириш ҳамда озиқлантириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш устивор масаладир.

Юқори тиғизликда балиқ ўстиришга ихтисослашган кичик ҳажмдаги сунъий сув ҳавзаларини кўпайтириш, балиқларни интенсив ўстириш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни кучайтириш давр талаби.

Ж.М.Турсагатов, С.И.Мавланов

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси

УДК: 619:616.9:636.3:576.8.

Рўзикулов Рахматулло Файзуллаевич, в.ф.н., доцент,
Қурбонов Алибек Ҳазратқулович, магистр,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

ҚОРАҚҮЛ ҚҶЗИЛАРИ ТАБИЙ РЕЗИСТЕНТЛИГИНИНГ БИОКИМЁВИЙ ВА ИММУНОЛОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация

Изучены биохимические и иммунологические основы естественной резистентности каракульских ягнят. Определено количество общего белка и иммуноглобулинов, титр антител против условно патогенных микроорганизмов в сыворотке крови каракульских ягнят разного возраста, а также проанализировано их значение в формировании колостральных и естественных активных иммунитетов.

Калит сўзлар: резистентлик, колострал иммунитет, фаол иммунитет, қон зардоби, оқсил, иммуноглобулинлар, антигенлар, антителалар, шартли патоген микроорганизмлар.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги даврда ҳайвонлар табиий резистентлигининг муаммоси алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, республикамиз фермер хўжаликлариди чорвачиликнинг ривожланиши билан ҳайвонларнинг насл сифати ва махсулдорлигини, уларнинг конституция мустаҳкамлиги ва табиий резистентлигини оширишнинг янги, янада фойдалироқ такомиллаштирилган генетик усулларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилмоқда [1,4,6].

Шартли патоген микроорганизмларга қарши табиий резистентлик кўрсаткичлари макроорганизм табиий умуминфекцион чидамлилигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Шунинг учун, ҳайвонларнинг умумий антиинфекцион резистентлигини алоҳида сифатида биз шартли патоген микроорганизмларга қарши табиий резистентлик кўрсаткичларини олдик. Ўтиш босқичида, қоидага бинонан, юқумли касалликларнинг кўзгатувчилари шартли патогенлик статусини ўтайди. Маълум шарт-шароитларда шартли патоген микроорганизмлар оғир кечувчи ва ҳаёт учун хавф туғдирувчи касалликларга сабаб бўлади [1,5,7].

Шунинг учун ҳам қонда антителаларнинг тўпланиши организмда табиий иммунитет ҳосил бўлишига, яъни табиий резистентликнинг шаклланишига асос бўлади.

Тадқиқотнинг мақсади. Турли ёшдаги қорақўл қўзиларида организмда шартли патоген микроорганизмларга қарши колострал ва фаол иммунитетларнинг шаклланиш хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ҳосил бўлишида умумий оқсил ва иммуноглобулинларнинг аҳамиятини аниқлаш ҳамда табиий резистентликнинг биокимёвий ва иммунологик асосларини таҳлил қилиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Илмий-тадқиқот ишларини Навоий вилоятининг Нурота туманидаги “Нурота” қорақўл наслчилиги МЧЖнинг яйлов шароитида боқиладиган ва энди туғилган (0,5), 1,2,3,4,5,15 кунлик ҳамда 1,3,6,12 ойлик, жами 198 бош қорақўл қўзиларида олиб бордик. Лаборатория текширувларини институт “Ҳайвонлар физиологияси, биокимёси ва патологик физиология” кафедрасининг илмий тадқиқот лабораториясида ўтказдик. Турли ёшдаги қорақўл қўйлари қон зардобидидаги умумий оқсил миқдорини рефрактометр усулида, G ва M иммуноглобулинлар миқдорини Манчини бўйича иммунодиффузия реакциясида, колибактерия, салмонелла, пастерелла, псевдомонада, стафилококк ва стрептококкларга қарши қарши табиий антителалар титрини Райтнинг агглютинация реакцияси бўйича аниқладик.

Тадқиқот натижалари. Олиб борилган илмий тадқиқотларимизда аввало энди туғилган (0,5), 1,2,3,4 ва

Annotation

The biochemical and immunological foundations of the natural resistance of Karakul lambs were studied. The amount of total protein and immunoglobulins, the titer of antibodies against conditionally pathogenic microorganisms in the blood serum of Karakul lambs of different ages was determined, and their value in the formation of colostrum and natural active immunities was analyzed.

5 кунлик қорақўл қўзиларининг ҳазм йўлларида увуз сути оксилларининг сўрилиш жараёни ва давомийлиги, сўнгра 3,15 кунлик ҳамда 1,3,6,12 ойлик қорақўл қўзилари қон зардобидида антителалар ҳосил бўлиши ўрганилди, уларнинг колострал ва фаол иммунитетларнинг шаклланишидаги аҳамияти аниқланди, ҳамда табиий резистентликнинг биокимёвий ва иммунологик асослари таҳлил қилинди. Янги туғилган қорақўл қўзиларининг ҳазм йўлларида увуз сути оксилларини сўрилиш жараёни ва давомийлигини янада чуқурроқ ўрганиш учун аввало уларнинг оғиз сути ичишини назорат қилдик. Увуз сути қабул қилганидан кейин бир соат ўтказиб, уларни дарров умумий консизлантириб, ошқозон-ичак йўлларида кон тизимида перфузия ўтказдик.

Ўтқир тажрибани ҳаммаси бўлиб, 18 та қорақўл қўзиларининг танасида ўтказдик. Улардан 3 таси 0,5 кунлик ва уртадан – 1, 2, 3, 4 ва 5 кунлик ёшда эди.

Янги туғилган қорақўл қўзилари танасининг ички органлари қон тизимини перфузия қилиб, унда умумий оқсил ва иммуноглобулинлар миқдорини аниқладик.

3. Желтова, О.А. Молочная продуктивность и качество молока коз с различными генотипами по гену бета-лактоглобулина / О.А. Желтова, А.С. Шувариков, Е.А. Гладырь // Овцы, козы, шерстяное дело. - 2011. - № 3. - С. 80 - 83.
4. Желтова, О.А. Состояние и перспективы молочного козоводства в России и мире / О.А. Желтова // Международная конференция молодых ученых и специалистов, посвященная 145-летию РГАУ-МСХА имени К.А. Тимирязева: Сборник статей. В 2-х т. М.: Изд-во РГАУ-МСХА имени К.А. Тимирязева, 2010. - С. 433 - 437.
5. Новопашина, С.И. Влияние раздоя на молочную продуктивность зааненских коз / С.И. Новопашина, З.А. Халимбеков, М.Ю. Санников // Научные основы повышения продуктивности сельскохозяйственных животных: Сборник научных трудов. - СКНИИЖ. - Краснодар, 2008. - Ч. 1. - С. 34-36.
6. Новопашина, С.И. Молочная продуктивность зааненских коз различных родственных групп / С.И. Новопашина [и др.] // Современные достижения биотехнологии воспроизводства - основа повышения продуктивности с.-х. животных: Сборник научных трудов СНИИЖК. - Ставрополь, 2009. - Т.2. - С. 66-68.
7. Новопашина, С.И. Перспективы развития и научного обеспечения молочного и мясного козоводства в России / С.И. Новопашина, М.Ю. Санников // Овцы, козы, шерстяное дело. - 2013. - № 2. - С. 61-65.
8. Новопашина, С.И. Эффективность молочного козоводства в разных регионах РФ / С.И. Новопашина, М.Ю. Санников // Овцы, козы, шерстяное дело. - 2011. - №1. - С. 1-2.
9. Симоненко, С.В. Физико-химические и микробиологические показатели качества молока коз / С.В. Симоненко // Доклады Российской академии сельскохозяйственных наук. - 2010. -№6. -С. 55-57.
10. Шувариков, А.С. Молочная продуктивность и качество молока коз зааненской породы разных популяций / А.С. Шувариков, М.Н. Алешина, О.Н. Пастух // Овцы, козы, шерстяное дело. - 2013. - № 1. - С. 30-32.
11. Шувариков, А.С. Молочная продуктивность и некоторые показатели качества молока коз зааненской, альпийской и нубийской пород / А.С. Шувариков, В.В. Брюнчугин, О.Н. Пастух // Овцы, козы, шерстяное дело. - 2011. - № 4. - С. 30-33.
12. Шувариков, А.С. Эффективность использования коз разных пород при производстве молочных продуктов / А.С. Шувариков, В.В. Брюнчугин, О.Н. Пастух // Овцы, козы, шерстяное дело. - 2012. - № 3 - С. 45-48.
13. Щетинина, Е.М. Исследование состава и свойств молока, полученного от разных пород коз / Е.М. Щетинина, З.Р. Ходырева // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. - 2014. -№4 (144). -С.159-163.

УДК: 619:616.9

Зумрат Жаҳонгирова Шапўлатова, Хайрулла Кенгашевич Базаров, доцентлар,
Умида Хуснидинова Рўзикулова, Дилшод Мехриддинович Болтаев, ассистентлар,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

ELISA КОНКУРЕНТ ТЕСТ СИСТЕМА УСУЛИДАН ОҚСИЛ КАСАЛЛИГИГА ДИАГНОЗ ҚЎЙИШДА ФЙДАЛАНИШ

Аннотация

В данной статье представлены результаты использования иммуноферментного метода современной экспрессивной диагностики – ИФТ для выявления антител, продуцируемых в сыворотке крови от естественно инфицированных животных.

В этом случае были исследованы образцы крови 92 крупного рогатого скота фермы “Бибисора” Пайарикского района Самаркандской области и проанализированы результаты.

Реакция чрезвычайно специфична и чувствительна и позволяет выявлять больных животных в инкубационный период. В результате меры по быстрой профилактики белковых заболеваний могут быть улучшены. Использование ИФТ в диагностике белковой болезни позволяет проводить краткую диагностику заболевания.

Ключевые слова: ИФТ, афта, антиген, антитело, сыворотка, оптическая плотность.

Кириш. Оксил – ўткир кечувчи, ўта тез тарқалувчи юкумли вирус касаллиги бўлиб, жуфт туёкли уй (қорамол, буйвол, қўй, эчки, чўчка, туя) ва ёввойи (кийик ва бугулар гуруҳи, ёввойи чўчкалар, архарлар) ҳайвонлар касалланади ҳамда халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказиши. Оксил касаллигига энг мойил ҳайвонлар – қорамоллар ва чўчкалар ҳисобланади. Ҳайвонларнинг ёши ҳам унинг мойиллигига таъсир этади. Ёш ҳайвонлар, айниқса бузоқ, қўзи ва чўчка болалари касалликка жуда оз чалинади, уларда хасталик оғир кечиби, кўпинча ўлим билан якунланади.

Оксил касаллиги қўзғатувчисининг манбаи бўлиб касалга чалинган, касалланиб тузалган ҳамда касалликнинг яширин даври кечаётган ҳайвонлар ҳисобланади. Касалланган ва касалликдан тузалган ҳайвонлар ўзининг сўлаги, сути, сийдиги, ахлати ва нафас олиш йўллари орқали жуда кўп миқдорда вирусни ташки муҳитга чиқаради.

Тадқиқот материаллари ва методлари. Тадқиқот ишларимизни Самарқанд ветеринария медицинаси институти лабораториясида олиб бордик. Самарқанд вилояти Пайарик тумани А.Яссавий маҳалласи “Бибисора” фермер хўжалигидан 92 бош қорамолдан келтирилган қон намуналари оксил касаллигига экспресс усул - ИФТ ёрдамида текширилди. Қоннинг зардоб қисми ажратилди, гемолизга учраган қон намуналаридан лабораторияда центрифуга ёрдамида зардоб ажратилди. Ҳайвонлар қон зардобидан оксил касаллигига табиий касалланиш натижасида ҳосил бўлган антителани иммунофермент тахлили ёрдамида аниқладик.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Касалликнинг яширин даври вируснинг организмга кирганидан кейин биринчи клиник белгиларини намоён бўлганигача ўтган давр 36 соатдан 7 кунгача, айрим пайтларда 21 кун-

Summary

This article presents the results of the use of the immunoenzyme method of modern expressive diagnostics IFT to identify antibodies produced in serum from naturally infected animals. In this case, blood samples from 92 cattle from the Bibisora farm in the Payarik district of Samarkand region were examined and the results analysed. The reaction is extremely specific and sensitive and allows the identification of sick animals during the incubation period. As a result, rapid prevention of protein diseases can be improved. The use of IFT in the diagnosis of protein disease allows for a brief diagnosis of the disease.

гача ташкил этади. Қорамолларда биринчи клиник белги тана ҳароратининг 41 С⁰ ва ундан юқори кўтарилиши ҳисобланади. Касал ҳайвонлар ҳолсизланиб иштаҳаси бузилади, овқат емайди ва қовшамайди, томир уриши тезлашади, касалликнинг 2-куни оғиз бўшлиғидаги шиллик пардалар, лунжида, пастки жағнинг тишсиз қисмида ҳамда тилда кўп миқдорда пуфакчалар-афтлар пайдо бўлади. Айрим ҳайвонларда айни шу чоғда туёқ оралиғида, елинида пуфакчалар кузатилади. Пуфакчалар (афтлар) 2–3 кун оралиғида ёрилиб, улар ўрнида яралар ҳосил бўлади. Оксил касаллигига ташхис клиник белгиларга, эпизоотологик маълумотларга, патоморфологик ва лабораторияда текшириш натижаларига асосланиб қўйилади. Аммо клиник ва эпизоотологик ташхис қўйиш дастлабки ташхис ҳисобланади. Охириги ва ишончли диагноз албатта лабораторияда, касал ҳайвондан олинган материални ҳар томонлама текшириш натижасига асосан қўйилади. Шунинг учун ҳам патологик материалларни лабораторияда текшириш талаб этилади. Ҳозирги вақтда оксил касаллигига диагноз қўйишнинг энг замонавий усулларида бири бу ИФТ дир.

Имунофермент таҳлил антиген реакцияларнинг махсуслигини ва юқори танланишига асосланган лаборатория текширишларидир.

ИФТ иккита мақсадда қўлланилади, биринчиси турли хил юкумли касалликлар қўзғатувчиларининг антигенларини аниқлаш, иккинчиси турли касалликлар қўзғатувчиларини антигенларига антителоларни (IgA, IgM, IgG) бириктиришни аниқлаш учун.

ИФТ асосини антиген ва антителоларнинг иммун реакцияси ташкил этади. Биз ҳам ўз текширишларимизда хўжалиқдан келтирилган ҳайвонлар қон зардобини оксил касаллигига текширдик. ELISA усулида аниқлаш учун унга мўлжалланган махсус диагностик тўплам ва

Олинган қон намуналари таҳлили.

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
A	0,054	0,81	0,89	0,82	0,728	0,733	0,887	0,894	0,708	0,834	0,774	0,887
B	0,065	0,849	0,976	0,748	0,743	0,785	0,976	0,773	0,676	1,273	0,761	1,054
C	1,068	1,212	0,922	0,804	0,763	0,792	0,707	0,811	0,674	0,658	0,813	0,997
D	1,124	0,771	0,73	0,846	0,857	0,682	0,814	0,764	0,856	0,716	0,747	1,01
E	0,687	0,757	0,856	0,763	0,711	0,922	1,014	0,623	0,802	0,744	1,195	0,996
F	0,841	0,902	0,726	0,865	0,962	0,914	1,004	0,668	1,079	0,859	0,957	1,108
G	0,922	0,795	0,74	0,959	0,852	0,786	0,849	0,739	0,811	0,816	0,782	0,751
H	0,86	0,754	0,616	0,807	0,63	0,815	0,76	0,725	0,819	0,734	0,762	0,812

уни ишлатиш учун берилган йўриқнома асосида текшириш ишларини амалга оширдик. Реакцияни қўйиш йўриқномага асосан бажарилди. Реакция натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Реакция натижалари қуйидаги формулалар асосида таҳлил қилинди. Реакция натижаларининг ишончилигини билиш учун аввал мусбат ва манфий назоратларни аниқладик. Назорат К ни ҳисоблаш.

$$\text{ОпЗ К} > 0,7$$

C_1 ва D_1 ўйиқчаларга қуйилган манфий назорат (K^-) ни ўргача оптик зичлиги қуйидагича топилади.

$$(C_1 + D_1) : 2 = 0,7$$

Мусбат назорат (K^+) ўргача зичлигини ҳисоблаш 2-босқичда амалга оширилди.

$$(A_1 + B_1) : 2 = \text{ОпЗК}^+$$

$$\text{ОпЗК}^+ : \text{ОпЗК}^- < 0,3$$

Нazorat реакциялари тўғри ишлаганини билган ҳолда қолган намуналарни қуйидаги формулада ҳисобладик.

$$S/N = \frac{\text{ОпЗ Намуна}}{\text{ОпЗ } (K^-)} \times 100$$

Агар натижа 50% гача ёки тенг бўлса, натижа ижобий (+), яъни антигела бор демакдир.

Агар натижа 50% дан юқори бўлса, натижа манфий яъни антигела йўқ демакдир.

Теширилган намуналарнинг 92 таси ҳам манфий чиқди. Демак хўжаликда оқсил касаллигига чалинган хайвон йўқ.

Хулоса. Текширишларимиз натижасида “Бибисора” фермер хўжалигида оқсил касаллигига чалинган хайвонлар аниқланмади. Оқсил касаллигининг диагностикасида ИФТ усулини қўллаш касалликка қисқа вақт ичида ташхис қўйиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Х.С.Салимов, А.А.Қамбаров. “Эпизоотология” Т. 2016 йил.
2. N.James Maclachlan, Edvard J.Dubovi “Veterinary virology” Fourth Edition, 2011. С.431-434.
3. Базаров Х.К., Абдулақимова А.Б. “Ветеринария вирусологияси”. Ўқув қўлланма. Самарқанд. 2017 й.

УДК:638.2

У.С.Худайбердиева, ТошДАУ Ипакчилик ва тўқчилик кафедраси таянч докторанти,
С.Н.Наврўзов, ТошДАУ доценти,
Ф.М.Жумаева, ТошДАУ магистранти

УРҒОЧИ КАПАЛАКЛАР ҲАЁТИ ДАВОМИЙЛИГИНИНГ УЛАР АВЛОДИ БИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Аннотация

В этой статье речь идет об истории и возникновения шелководства, о принятых постановлении по дальнейшему развитию шелководстве, и об корреляционных связях продолжительности жизни бабочек самок с биологическими признаками последующего поколения, некоторых пород и линий тутового шелкопряда.

Калит сўзлар: пилла, дурагай, зот, линия, ургочи капалак, тут ипак кўрти, ҳаётчанлик, ҳаёти давомийлиги, генетика, селекция, гумбак, инкубация.

Кириш. Инсоният яралибдики тирикчилик илинжида турли хил касб-хунарлар билан шуғулланиб келади. Булар орасида биринчи ўринда озик-овқат маҳсулотлари,

Аннотация

This article is about the history of sericulture, the adopted regulations on the further development of sericulture, and the correlation of the lifespan of female butterflies with biological traits of the next generation, some breeds and silkworm lines.

яъни овлаш ва етиштириш турса, ундан кейинги ўринларда кийим-кечак ва уй-рўзгор буюмлари туради. Мамлакатлар аҳолиси нуфузининг ортиб бориши ҳамда

турмуш шароитларининг яхшиланиши, бундай нарсаларга талабнинг доимий ўсиб боришини тақозо этади.

Тарихга назар соладиган бўлсак бизнинг республика-миз ҳудудида яшаган халқлар икки минг йилдан ошиқроқ вақт мобайнида пилла етиштириш уни тайёрлаш, ипини олиш ва турли хил матолар тўқиш хунари билан шуғулланиб келишади. Бунда Шарқий Хитойдан Ғарбий Европагача давом этган, ҳамда Ўрта Осиё шаҳарларидан ўтган “Буюк ипак йўли” номи билан тарихга кирган ва 1500 йил фаолият кўрсатган савдо йўлининг ҳам аҳамияти жуда катта бўлган.

Пиллачиликнинг Республикамиз халқ-хўжалигидаги ўрни мавсумий ва доимий иш ўринлари яратишдаги ҳамда давлатимиз экспорт салоҳиятини оширишдаги моҳияти ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди. Буни республикамиз президенти ва ҳукуматимиз томонидан соҳани янада ривожлантиришга қаратилган, қарорлар ва эътиборда кўришимиз мумкин.

Ҳақиқатда ҳам республикамиз пиллачилиги тармоғида кейинги йилларда қўлга киритилаётган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, ҳали бу соҳада кўп ишлар қилишимиз кераклиги аён бўлиб қолади. Чунки пилла ҳосилдорлиги, сифати ҳамда технологик кўрсаткичлари бўйича, талаб даражасидаги натижаларга чиқиб бўлмапти. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқаришдаги камчиликларни бартараф этиш билан бирга, потенциали юқори бўлган зот ва дурагайларни яратиб уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, бунинг учун эса селекция усулларини янада такомиллаштиришни тақозо этади, бу борада тут ипак курти биологик кўрсаткичларининг юқори бўлишига алоҳида эътиборга лойиқ белгидир.

Шу бугунги кунгача, тут ипак курти генетикаси ва селекцияси ҳамда амалиётини янада ривожлантириш орқали, қолаверса олинган илмий натижалар асосида, кўрсаткичлари юқори бўлган зот ва дурагайлар яратилишига эришилмоқда. Шу аснода ўзбек селекционер олимларининг амалга оширган илмий изланишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳозирги даврда ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган янгидан-янги юқори сифат кўрсаткичларига эга, турли ўзгарувчан шароитларга мос, ҳамда касалликларга чидамли, маҳаллий зот ва дурагайлар яратиш, тут ипак курти селекцияси ва наслчилиги олиндида турган долзарб илмий йўналиш ҳисобланади.

Тут ипак курти селекцияси ва наслчилик ишида ҳар қандай танлаш услуби илмий асосга эга бўлиши лозим. Биз тадқиқ этаётган капалакларнинг ҳаёт давомийлиги ва етакчи селекция белгилари ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланса, муайян хўжалик қийматли белгиларни оширишга йўналтирилган селекция дастурига капалакларнинг ҳаёти давомийлиги бўйича танлаш усулини киритиш мумкин бўлади ва натижада селекция ишининг самарадорлиги ошишига эришилади.

Ургочи капалакларнинг уруғ ташлаш динамикаси ва шунга ўхшаш ҳолатларни айрим олимлар турлича ўрганганлар. С.И.Филков (1963) биринчи бўлиб қўйилган

тухумлар юқори жонланиш ҳамда 1 грамм қуртдан олинган пилла ҳосили юқорилиги билан ажралиб туришини исботлаган.

О.Г.Ходжаев (1965) нинг тажрибаларида биринчи кунда ўралган пиллалардан чиқиб, биринчи кунда қўйилган тухумлар, уларнинг катта-кичиклигидан катъий назар бир хил даражада ривожланиш хусусиятига эга бўлиши кўрсатиб ўтилган.

М.Д.Дехқонов, З.Икромов, О.Тешабоевлар пилладан 4-суткада чиққан капалаклар қўйган тухумлар жонланиши 5,5 % га, қуртлар ҳаётчанлиги 2,2 % га пасайиши аниқланган. Шу муносабат билан муаллифлар охири кунларда чиққан капалаклардан насл олмасликни тавсия этадилар.

Бу Тхи Бан (1990) капалаклар уруғ ташлаш тезлигини кузатиб, тут ипак курти барча уруғларни 61 соат давомида қўйишини кузатди. Шундан биринчи суткада 64,9-65,6 %, иккинчи суткада 26,7-28,6 % ва учинчи суткада 8,2-5,5 % тухумлар қўйилади. Тажриба натижалари асосида тадқиқотчи биринчи суткадаги тухумларни олишни тавсия этган. Ушбу хулосани А.З.Злотин, Е.С.Корабиева (1972), Бу Тхи Бан (1990), Э.Мақсудова (1966) каби бошқа олимлар ҳам тажриба натижалари асосида тасдиқлайдилар.

Уруғ сифатини яхшилашда насли пиллаларни танлаш иши катта аҳамиятга эга. А.А.Алимов (1961) насли пиллалар ичидан майда пиллаларни чиқариб ташлаш кейинги авлод ҳаётчанлиги сезиларли даражада кўтарилишига асос бўлишини таъкидлайди.

Тадқиқот материали ва услубиёти. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, 2018 йил баҳорги қурт боқиш мавсумидан олдин Линия-5меч, Линия-11меч, Линия-66, Линия-67, Асака, Мархамат зотларининг тухумлар аралашмасидан 3 қайтарилишда 100 донадан тухумлар санаб олинди. Инкубация жараёни учун тухум намуналари жонланиш кўрсаткичини аниқлаш учун асосий боқиладиган тухумлар билан параллел равишда жонлантиришга қўйилди.

Жонланиб чиққан намуналарда жонланмаган тухумлар сонини аниқлаш орқали тухумлар жонланиш фоизи ҳисобланди. Жонланиб чиққан қуртлар парваришlash учун кўтариб олинди ва уларни бир хил гигротермик шароитларда ва сифати бир хил тут барглари билан боқиш ташкил этилди. Қуртларнинг II-ёшининг I-куни ҳар бир зотдан 3 қайтарилишда 250 тадан қуртлар санаб олинди ва қуртлар пилла ўрашгача етказилди. Қуртлар пилла ўраб бўлгач, уларнинг ҳаётчанлигини аниқлаш мақсадида пиллалар соғлом, қўшалок, қар ва қорапачоқ гуруҳларга ажратилди. Қуртлар ҳаётчанлиги умумий пиллалар ичидаги соғлом ғумбакли пиллалар улушини ҳисоблаш орқали аниқланди. Бундан ташқари қурт боқиш даврида қуртларни касалланиш фоизи ҳам аниқланди.

Тут ипак куртининг ҳаётчанлик белгилари янги зот ва дурагайларнинг энг муҳим биологик белгилари бўлиб ҳисобланади. Мазкур биологик объектнинг икки хил ҳаётчанлик кўрсаткичи аниқланади. 1. Эмбрионал ҳаётчанлик, яъни тухумдан қуртларни жонланиб чиқиши

ва 2. Постэмбрионал ҳаётчанлик. Постэмбрионал ҳаётчанлик кўрсаткичи жонланиб чиққан қуртларнинг кейинги ғумбаклик босқичгача етиб борган соғлом индивидлар сони асосида аниқланади. Демак, энг яхши жонланган ва ғумбаклик босқичига максимал даражада етиб борган селекцион популяция келаждада яратилдиган зотнинг асосини ташкил этади. Селекционерлар ҳаётчанлик бўйича танлашнинг бир қанча усулларидадан фойдаланиб келадилар. Лекин селекцион материални капалаклар ҳаёти давомийлиги асосида танлаш бўйича деряли илмий изланишлар олиб борилмаган. Бизнинг тадқиқот ишимизда илк бор турли зот ва селекцион тизимларда капалакларнинг ҳаёти давомийлиги бўйича кузатишлар олиб борилди.

Қуйидаги 1-жадвалдан тажрибадаги зот ва тизимларнинг жонланиш ва ҳаётчанлик кўрсаткичлари жой олган.

1-жадвал

Линия-5меч, Линия-11меч, Линия-66, Линия-67, Асака, Мархамат зотлари капалакларининг ҳаёти давомийлиги, тухумларининг жонланиши ва қуртлар ҳаётчанлиги

Зот ва тизимлар	Капалаклар ҳаёти давомийлиги $\bar{X} \pm S\bar{x}$, сутка	Тухум жонланиши, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, %	Қуртлар ҳаётчанлиги, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, %	Касаллик фоизи $\bar{X} \pm S\bar{x}$, %
Линия 5 меч	7,0±0,41	90,4±2,27	92,5±0,78	4,7±0,22
Линия 11 меч	8,8±0,51	92,9±0,8	90,8±0,92	4,3±0,33
Линия 66	8,5±1,02	96,3±0,48	91,4±0,23	4,3±0,38
Линия 67	6,5±0,67	96,3±0,48	87,2±0,69	5,2±0,12
Асака	9,0±0,97	94,5±1,33	89,3±0,48	4,8±0,32
Мархамат	7,9±0,85	94,0±1,9	89,7±1,73	5,2±0,21

Адабиётлардан маълумки барча тирик организмларнинг биологик кўрсаткичлари, уларнинг ҳўжалик қиммати белгилари билан ижобий корреляцияда. Тут ипак қурти ҳам бундан мустасино эмас, чунки уруғларининг жонланиш фоизи юқори бўлган уруғ партияларидан кўпроқ ва соғлом қуртлар жонланиб чиқади, юқори жонланиш фоизига эга бўлган уруғ партиядан жонланган қуртларнинг ҳаётчанлиги юқори бўлади, юқори ҳаётчанликка эга бўлган қуртларда махсулдорлик кўрсаткичлари баланд ва шуни акси ўлароқ касаллик фоизи кам бўлишлиги кузатилади.

Жадвалда келтирилган рақамларни зот ва тизимлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, улар орасида каттагина фарқ борлигини кўрамиз айниқса тухумлар жонланишидаги кўрсаткич 90,4 дан 96,3 фоизгача, қуртлар ҳаётчанлигида эса 87,2 фоиздан 92,5 фоизгача бўлган кўрсаткичлар мавжуд, касалланиш фоизида эса бири-биридан жуда катта фарқ кузатилмади ва бу кўрсаткич 4,3 дан 5,2 фоизни ташкил этади.

Жумладан тухумларни жонланишидаги энг юқори натижалар (Линия-66, Линия-67, 96,3%) она капалагининг ҳаёти давомийлиги муттаносиб равишда 8,5 ва 6,5 сутка бўлган индивидларда кузатиладиган бўлса, энг паст натижалар эса (Линия-5меч. 90,4%, Линия-11меч. 92,9%) она капалагининг ҳаёти давомийлиги мос равишда 7,0 ва 8,8 сутка бўлган индивидларда кузатилмоқда. Асака, Мархамат зотлари эса бу кўрсаткич бўйича оралик натижани кўрсатган бўлса, капалакларининг ҳаёти давомийлиги мос равишда 9,0 ва 7,9 суткани ташкил этмоқда.

Қуртларнинг ҳаётчанлигини таҳлил қиладиган бўлсак бу ерда, капалакларнинг ҳаётчанлиги 7,0 ва 8,5 сутка бўлган Линия-5меч. да 92,5 ва Линия-66 да 91,4 фоиз бўлиб энг юқори натижани кўрсатмоқда. Бу белги бўйича энг паст кўрсаткич, капалаклар ҳаёти давомийлиги 6,5 ва 9,0 сутка бўлган Линия-67 87,2% ва Асака зотида 89,3% ни кузатиш мумкин, Линия-11меч. ва Мархамат зотлари оралик натижани кўрсатмоқда.

Хулоса

Мавзуга таълуқли адабиётларни ўрганиш ва олиб борилган тадқиқот натижаларини таҳлили она капалакларининг ҳаёти давомийлиги нисбатан кам бўлган индивидларда, уларнинг биологик кўрсаткичларини юқори бўлиш тенденцияси кузатилмоқда. Лекин шу билан бирга капалаклар ҳаёти давомийлиги узок бўлган айрим индивидларда ҳам бу кўрсаткичларнинг юқорилигини кўриш мумкин.

Буларнинг барчаси олиб борилаётган тажрибаларни янада такомиллаштириб тажрибадаги зот ва тизимлардан ташқари алоҳида индивидлар билан ишлаб, био-кимёвий таҳлилларни ҳам чуқурроқ ўрганишни талаб этади ва унинг натижаси ўлароқ илмий ва амалий тақлифларни тавсия этиш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фильков С.И. Качество почасовых фракций яиц, отложенных бабочками за первые сутки жизни//Шелк.-1963.-N3.-С.32-34.
2. Ходжаев О.Г. Некоторые возможности повышения однородности коконов//Шелк.-1965.-M2.-С.37-38.
3. Дехканов М., Икрамов З., Тешабаев О. Качество потомства бабочек разных дней выхода из коконов//Шелк.-1984.-N 5.-С.11-12.
4. Ву Тхи Бан. Продуктивность перспективных гибридов и пород тутового шелкопряда и ее зависимость от периодов откладки греней: Автореф. дис... канд. с-х наук.-Ташкент, 1990.-С.4-23.
5. Максудова Э. Опыт приготовления греней шелкопряда суточной откладки //Шелк.-1966.-N2.-С. 18.
6. Алимов А.А. Подбор родительских пар по весу и ширине кокона у тутового шелкопряда//Науч.тр./САНИИШ.-1961.-Вып.П.-С.22.

Ж.Б.Юлчиев, ассистент, PhD,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТНИНГ ВЕТЕРИНАРИЯ ТАЪЛИМИ

Самарқанд ветеринария медицинаси институтида ҳам соҳа бўйича малакали кадрлар тайёрлаш, ветеринария ва чорвачилик бўйича илмий ва инновацион салоҳиятни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Институтнинг халқаро миқёсда нуфузини ошириш, ривожланган давлатларнинг соҳа бўйича илғор технологияларини ўрганиш ҳамда уларни мамлакатимизда жорий қилиш бўйича янги стратегиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу режага асосан 2020 йилнинг 20-30 январ кунлари “Sakura scientific exchange plan program” лойиҳаси асосида Япониянинг Азабу университетида “Клиник фанларни ўқитишда Япония тажрибасини ўрганиш” бўйича халқаро илмий-амалий семинарда иштирок этишга муваффақ бўлдим.

Семинарда Осиёнинг 20 та давлатидан 25 нафар иштирокчилар қатнашдилар. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу лойиҳага мамлакатимиздан илк маротаба ветеринария соҳаси вакили иштирок этиш учун жалб қилинган.

Азабу университети Япониянинг 12 та ветеринария йўналиши бўйича кадрлар тайёрловчи университетларидан бири бўлиб, 1890 йилда асос солинган хусусий университет ҳисобланади. Бугунги кунда университетнинг ветеринария медицинаси, ҳайвонлар касалликларини даволаш билимлари ва янги тиббий технология, озик-овқат ва ҳаёт билимлари, атроф-муҳит билимлари каби факултетлари фаолият олиб боради. Университетда 30 дан ортиқ ўқув-илмий лабораториялар, катта ва кичик ҳайвонлар клиникалари мавжуд. Умуман олганда, Японияда жами 12 та ветеринария йўналиши бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, шуларнинг 6 таси хусусий университетдир.

Семинар-тренинг давомида қуйидаги мавзуларда



1-расм. Лабораторияда цитологик препаратларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш.

маъруза ва амалий машғулот дарслари ўтказилди:

- Ҳайвонлар касалликларини диагностикаси учун цитологик препаратлар тайёрлаш ва уларни таҳлил қилиш;
- Сигирларда бактериал этиологияли маститларни аниқлаш;
- Ҳайвонларнинг замбуруғ касалликлари ва уларни колониялар бўйича идентификация қилиш;
- Парранда гриппи ва қорамоллар вирусли диареяси реал тайм лампа диагностика усулини бажариш;
- Сунъий уруғлантириш учун букаларнинг уруғларидан пайеталар тайёрлаш ҳамда уруғ сифатини баҳолаш;
- Ҳайвонларнинг қорин ва кўкрак бўшлиғи органлари УТТ диагностикаси;
- Итларнинг ўткир ва сурункали бабезиоз касаллигини классик ва реал тайм ПЦР усулида аниқлаш;
- Итларнинг нерв касалликларини даволашда игнате-рапия усулини қўллаш;
- Ҳайвонларнинг ҳашаротлар томонидан чақирилган касалликлари тарқалишини назорат қилишда GIS (Geographic Information System) усулини қўллаш бўйича Япония тажрибаси билан танишиш;
- Ҳайвонларда касалликларни диагностика қилишда МРТ ва КТ ларни қўллаш;
- Радиациядан ҳимояланиш бўйича амалий дарс;
- Отлар касалликлари асослари маъруза дарси.

Шу билан бирга лойиҳа доирасида қуйидаги учрашувлар ва визитлар ташкил этилди:

- Университетнинг Ҳаёт музейига ташриф;
- Университет ректори ва профессорлари билан учрашув;
- Чучук сув аквариуми ва шистосомоз касаллигини ўрганиш тарихий музейига ташриф;
- ЛСА (Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги) музейига ташриф;
- Илмий мавзу бўйича постерлар тақдими;
- Мамлакатларнинг анъанавий даволаш усуллари бўйича суҳбат;
- Япониянинг Ваххinova биопрепаратлар ва вакцина ишлаб чиқариш компанияси вакили билан суҳбат;
- Иштирокчиларнинг миллий университетларида ветеринария таълими бўйича суҳбат;

Барча маъруза ва амалий машғулот дарслари замонавий жиҳозланган аудитория ва лабораторияларда олиб борилди. Дарсларда нафақат назарий билимлар, балки мавзуга оид лаборатория ва диагностик текширувлар иштирокчиларнинг ўзлари томонидан бажарилиши учун барча шароитлар яратилди. Масалан, ветеринария медицинаси факультети профессори, Сакуроко Нео “Ҳайвонлар касалларининг диагностикасида цитологик


препаратларни тайёрлаш ва уларни изоҳлаш” мавзусида назарий-амалий дарсида 30 дақиқа мавзунинг аҳамияти, мақсади ва назарий қисми бўйича маълумотлар берди, сўнгра иштирокчилар 4 та синфга бўлиниб, 1- ва 2-гуруҳга клиникадан келтирилган қон намуналаридан суртмалар тайёрлаш вазифаси юклатилди. 3- ва 4-гуруҳларга эса ҳар бирига алоҳида кейслар берилиб касалликларга аниқ диагноз қўйиш бўйича топшириқлар берди.

Барча иштирокчилар гуруҳ асосида ишлаб, берилган вазифаларни бажардилар. Худди шу каби дарс ўтиш технологиясини профессор Казухиро Каваининг “Қорамолларда мастит касаллиги ва уни келиб чиқишида бактерияларнинг роли” мавзусидаги назарий-амалий дарсида, профессор Косуке Такаторининг “Ҳайвонларнинг турли хил замбуруғли касалликларини идентификация қилиш техникаси” мавзусидаги амалиётга асосланган маъруза дарсида, профессор Кенжи Тсукамотонинг “Қорамоллар вирусли диареяси ва паррандалар гриппи касалликларини тезкор диагностика қилишда Лампа диагностика усулини қўллаш” мавзусида дарсида, профессор Кашивазаки Наомининг “Сунъий уруғлантириш учун спермаларни тайёрлаш ва уларнинг сифатини баҳолаш” бўйича амалий дарсида, университетнинг клиник биносида УТТ аппарати ёрдамида итларнинг қорин соҳаси органлари ва юракнинг эхокардиограммасини ўтказиш бўйича амалий машғулотда, “Итларнинг бабезиоз касаллигини қон намунаси ва реал тайм ПЦР ёрдамида аниқлаш техникаси” бўйича амалий дарсида, доктор Якамуранинг “Итларда касалликларни даволашда таъбиот ва анъанавий усуллари қўллаш” бўйича маъруза дарсида, ҳайвонлар касалликлари клиникасида “Ҳайвонлар онкологик касалликларини диагностикаси КТ ва МРТ диагностикаси” бўйича амалий дарсида, профессор Акиказу Ишихараниннг “Отларнинг касалликларининг келиб чиқиши ва даволаш бўйича асосий тушунчалар” маъруза дарсида қатнашдик. Дарсларда нафақат илмий-назарий билимлар олишга, балки амалий кўникмаларни эгаллашга ҳам муваффақ бўлдик.

Яманашаи шахрида жойлашган чучук сув балиқлари аквариумида шистосома бўйича олиб борилган илмий ишлар бўйича маълумотлар берилди. Дастлаб аквариумда сақланадиган балиқларнинг турлари, хусусиятлари ҳамда ушбу ҳудудда мавжуд бўлган шистосомаларнинг оралик хўжайинлари – моллюскалар ҳақида маълумотга эга бўлдик.

Иштирокчилар ўз мамлакатининг ветеринария мутахассислари тайёрлайдиган университетлардаги ўқув муддатлари, ўқув режалари, маҳаллий ва хорижий талабаларнинг бир йиллик тўлов суммаси, курс якунида бўладиган давлат аттестациялари ва ўқитиш технологиялари бўйича фикр алмашдилар.

Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Филлипин, Индонезия ва Малайзиядан келган вакиллар ҳайвонлар касалликларини диагностикаси, даволаш ва олдини олиш бўйича ўзларининг илғор тажрибалари билан таништиришди.



2-расм. Итларда игнатерапия усулини қўллаш

Лойиҳа координатори, профессор Оои томонидан уйга вазифа сифатида берилган иштирокчиларнинг илмий ишлари бўйича постерлари тақдироти ва муҳокамаси ўтказилди. Бунинг натижасида профессор Оои илмий постер тайёрлашда аҳамият берилиши керак бўлган қисмлар, калит сўзлар, постерни берилган қисқа вақт ичида қандай тўлиқ мазмунини очиб бериш, уни сифатли тақдироти каби масалаларга мукамал тушунчалар бериб борди.

Курснинг якунида “Sakura scientific plan program” лойиҳаси асосида барча иштирокчиларга Азабу университети ва лойиҳа томонидан махсус сертификатлар топширилди.

Хулоса ва тақлифлар:

1. Япониянинг JICA ташкилоти билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва Япония гранти асосида ветеринария ва чорвачилик бўйича янги самарали лойиҳаларни шакллантиришни йўлга қўйиш;
2. Дунё ветеринария университетлари сингари ветеринария йўналиши бўйича бакалавриат ўқиш муддати 5 йиллик тизимга ўтказиш (Японияда ветеринария йўналиши бўйича ўқиш муддати бакалавриат 6 йил, магистратура 3 йил, докторантура 4 йил);
3. Ветеринария бўйича ОТМларни моддий-техник базасини замон талаблари асосида ривожлантириш орқали талабаларга билим бериш, амалий кўникма ҳосил қилишни янада кучайтириш;
4. Ветеринария бўйича ОТМлар қошида замонавий ўқув-илмий тажриба хўжалиги, ҳайвонлар клиникаси ва мобил клиника ҳамда 50 бош зотли қорамолга мўлжалланган замонавий сутчилик фермасини ташкил этиш;
5. Ветеринария таълим йўналиши талабаларини ўқитишда кичик гуруҳларда кўпи билан 15 нафар талабаларнинг бўлишини таъминлаш натижасида уларни кўпроқ дарс жараёнида амалий ишларга жалб қилиш;
6. Европа ва бошқа ривожланган давлатлар ветеринария ОТМлари ассоциацияси талабларига биноан ҳар бир қабул қилинган талаба сонига мос равишда ОТМларни лаборатория, уй ва қишлоқ хўжалик ҳайвонлари билан таъминлаш.

ШОГИРДЛАРИГА ЎРНАК ВЕТВРАЧ



Асли яккабоғлик, айна пайтда эса Қашқадарё вилояти ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказига раҳбарлик қилаётган тажрибали ветврач Алишер Мейлиев 60 баҳорни қаршилади. Шу кун уни узок-яқиндаги қариндошлари куда-андалар қўнғироқ қилиб самимий табриклашди. “Қарантин тугаса, албатта меҳмонга айтаман, келасизлар. Қўчқор сўйиб, яккабоғчасига меҳмон қиламан.

Чунки инсон 60 ёшга ҳар куни ҳам киравермаймиз-ку. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”, деди ветврач кутловлардан қувониб.

Унинг эътироф этишича, карантин даврида меҳмондорчилик ҳақида ўйлашнинг ўзи ортиқча, муҳими, элнинг тинчлиги, одамларнинг саломатлигидир. Бу борада Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан барча чоралар қўрилаётган экан, каттаю кичик тартиб-интизомга қатъий амал қилиши керак. Ана шунда бало тез орада чекинади ва барҳам топади.

Алишер Мейлиев отасининг дуосини олиб, унинг маслаҳати билан ветврач бўлиш ниятида Самарқандга йўл олганда, мўйлови эндигина сабза урган йигитча эди. Қўл офтобида қорайиб кетган бу йигит талаба бўлгач,

ветеринария сир-асрорларини кунт билан ўрганди, меҳнат қилишдан, ўқиб-ўрганишдан асло эринмади, бўш вақтини имкон қадар кутубхонада, соҳага оид адабиётлар билан ўтказишга интилди. Амалиёт жараёнида устозлар ўғитига таяниб фермаларда касал жониворни соғайишини кутиб тонг оттирди, малака оширди. Институтни имтиёзли диплом билан битиргач, ўзи туғилиб ўсган қишлоқдаги фермага ишга келди. Йўлдош Авлаёров, Тўра Сатторов сингари устозларининг қимматли маслаҳати, йўл-йўриқларига қулоқ тутди. Кейинги йилларда хўжалиқда бош ветеринария врачлари, бош зоотехник лавозимларида сидқидилдан хизмат қилди. Сўнг уни тумандаги “Турон” ширкат хўжалигига раҳбарликка сайлашди. У катта бир хўжалик раислигида ҳам чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратди, ветврач касбдошларини унутиб қўймади.

- Фарзандларимнинг меҳнатсевар бўлиб вояга етгани учун Аллоҳга шукр қиламан. Айна пайтда 12 гектарлик боғи ва зотдор қорамоллари бўлган фермер хўжалигимизга ўғлим Наврўзбек бош-қош, - дейди Алишер Мейлиев. - Ўзим эса мана тўрт йилдирки, вилоят ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказини янада такомиллаштириш ишлари билан бандман. Ўтган йил кўмитамиз раҳбарининг бевосита қўмаги билан марказ биносини таъмирлади, 630 миллион сўмлик ташхис жиҳозлари олинди. Насиб этса, келгусида ютуқларимиз янада кўп бўлади. Чунки жамоамиз аҳил, илмга чанқок ёшлар бизга энг яқин қўмақдош.

Севинч Эргашева

ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ БЎЛГАН ИНСОН

ХОТИРА



Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, таниқли олим, Хоразм чорвадорларининг яқин дўсти ва ҳамқори, маслаҳатгўйи саналган Бахтиёр Олимович Абдолниёзов бугун орамизда йўқ. Устознинг яқинлари, қариндошлари, шогирдлари муқаддас Қуръону Карим оятларидан тиловат қилишиб, уни қайта ва қайта ёдга олишмоқда. Чунки устоз инсоний фазилатлари, билимдонлиги, илмга чанқоқлиги билан ўзидан яхши ном қолдирди, 4 та монография,

рисола ва юздан ортиқ илмий мақолалар ёзди, чорвачилик билимдони сифатида илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшди. Хивалиқлар Абдолниёзов номини доимо ҳурмат билан тилга олишади. Чунки у Хива туманида раҳбарлик лавозимида ишлаганида ҳам, вилоят чорвачилик тизимини бошқарган кезларида ҳам дўстларини унутмади, “Ассалому алайкум, ёшулли, нечуксиз”, дея ишхонасига кириб борган барча кишиларга доимо яхшилик соғинган, қўлидан келгунча одамларнинг ҳолатини чиқаришга интилган эди. Уни босиқли, билимдонлиги ва дипломатларга ўхшаш ширинсуханлиги боис таниқли давлат арбоби Шароф Рашидовга ўхшатишган ва дарҳақиқат Абдолниёзов ўз иш фаолияти давомида танти бир инсон сифатида юзлаб, минглаб зукко кишиларнинг меҳрини қозонишга, уларнинг юрагидан жой олишга улгурган эди. Бугун Хоразмда чорвачилик ва ветеринария соҳасига алоқаси

бор кишиларнинг аксарияти Абдолниёзовни ўзларига устоз, деб билишади, “ёшулли” дея ёдга олишмоқда.

Бундан ропа-роса 56 йил илгари институтни битириб Хоразм наслчилик қорхонасига ишга келганида Бахтиёр Абдолниёзов билимга чанқок, ишлаб чарчамайдиган йигитча эди. Унинг меҳнатсеварлиги, илмга чанқоқлиги, чорвага бўлган меҳру муҳаббати тажрибали мутахассислар эътиборини тортди. Унга зотдор қорамолларни ишониб топширдилар ва Абдолниёзов бу ишонччи оқлади, икки қарра оқлади ва 1969 йилда илмий ишини яқунлаб, фан номзоди илмий даражасини олди. Ана шу илмий натижалар устозга у раҳбарлик лавозимида ишлаган кезларида ҳам жуда асқотди. У раҳбар киши илм-фан янгиликларидан бохабар бўлиб, илмий тавсияларга амал қилсагина, албатта соҳада таракқиёт бўлишини исботлади. Шу боис у илмий изланишлардан узоқлашиб кетмай, 1999 йил докторлик диссертациясини химоя қилди, Урганч давлат университети профессори сифатида илмий-педагогик фаолият билан ҳам шуғулланди. Унинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. “Фидокорона меҳнатлари учун” ордени, Республика Президентининг Фахрий Ёрлиқлари, юзлаб ташаккурномалар.

Албатта устоз бошлаб берган эзгу юмушлар қўлами катта ва бу хайрли ишлар асло тўхтаб қолмайди. Чунки Бахтиёр аканинг садоқатли шогирдлари жуда кўп, фарзандларидан Шухрат Абдолниёзов ҳам ота руҳини шод этиб, унинг изидан бормоқда. Илоҳим, касбига, чорвачилик илми амалиётига чексиз меҳр қўйган инсоннинг охираги обод бўлсин.

Хоразм вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси жамоаси